

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI VAZIRLAR MAҲKAMASINING  
ҚАРОРИ**

**КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИДА ЭНЕРГИЯНИ ТЕЖАЙДИГАН  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ КОМПЛЕКС ДАСТУРИНИ АМАЛГА  
ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Энергияни тежашни таъминлаш учун «Ўздавнефтгазинспекция» ва «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ўз маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган корхоналар ва ташкилотлардаги маънавий эскирган, тежамсиз буғ қозони агрегатларини фойдали иш коэффициентини 90 фоиздан ортиқ бўлган, замонавий талабларга жавоб берадиган замонавий тежамли буғ қозони агрегатларига алмаштириш ишлари олиб бориладиганлиги қайд этилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Самарканд, Сирдарё, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида сув таъминоти ва иссиқлик таъминоти корхоналарининг ишлаб чиқариш инфратузилмасини замонавийлаштириш ва техника билан қайта жиҳозлаш, аҳолини сифатли ичимлик сув ва иссиқлик энергияси билан таъминлашни яхшилаш бўйича чет эл инвестициялари жалб этилган лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга мамлакат минтақаларида ҳамон фойдали иш коэффициентини паст бўлган (70 фоизгача), иссиқлик энергияси ишлаб чиқаришга табиий газнинг солиштирма сарфи мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари томонидан ишлаб чиқариладиган замонавий буғ қозони агрегатларининг кўрсаткичларидан 25—30 фоиз ортиқ бўлган маънавий эскирган буғ қозони агрегатларидан фойдаланилмоқда.

Фойдаланиладиган ва реконструкция қилиниши ёки алмаштирилиши талаб этиладиган эскирган тақсимловчи сув қузури ва иссиқлик тармоқларида ишлаб чиқарилган иссиқлик ва ичимлик сув йўқолиши юқориликча қолмоқда (20 фоиздан ортиқ).

Коммунал хизматлар кўрсатиш соҳасида энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш, ичимлик сув ва ишлаб чиқариладиган иссиқлик энергияси йўқолишини камайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. «Ўздавнефтгазинспекция» ва «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг:

Фаолияти Республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобига амалга оширилмайдиган корхоналар ва ташкилотларнинг маънавий эскирган ва тежамсиз буғ қозони агрегатларини 2005—2007 йиллар даврида босқичма-босқич алмаштириш дастурини 1-иловага\* мувофиқ;

2006—2009 йиллар даврида республика минтақалари бўйича эскирган сув қузури ва иссиқлик тармоқларини сув таъминоти ва иссиқлик таъминоти корхоналарининг ўз маблағлари ҳисобига реконструкция қилиш дастурини 2 ва 3-иловаларга\* мувофиқ тасдиқлаш ҳақидаги таклифи қабул қилинсин.

\* 1—3 иловалар рус тилидаги матнда берилган.

2. Белгилаб кўйилсинки:

буғ қозони агрегатларини ўрнатишга «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясининг тегишли рухсатномаларига эга бўлган ихтисослаштирилган корхоналар кўйиладилар;

фаолияти Республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобига амалга оширилмайдиган, маънавий эскирган ва тежамсиз буғ қозони агрегатларини алмаштирмаган корхоналар ва ташкилотларга нисбатан 2008 йил 1 январдан бошлаб фойдаланилган табиий газ учун ҳақ тўлаш бўйича амалдаги тарифларга 2,0 оширилган

коэффициент кўлланилади, иссиқлик таъминоти ва иссиқ сув таъминоти бўйича аҳолига хизматлар кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотлар бундан мустасно.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, «Ўздавнефтгазинспекция» ва «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси билан биргаликда шаҳарлар, туманлар, корхоналар ва ташкилотлар бўйича:

фаолияти Республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобига амалга оширилмайдиган корхоналар ва ташкилотларнинг маънавий эскирган ва тежамсиз буғ қозони агрегатларини алмаштиришни, шунингдек иситиш мавсумида ёқилғининг муқобил турларидан фойдаланиш имкониятини назарда тутадиган минтақавий Дастурларни;

эскирган сув қувурлари ва иссиқлик тармоқларини сув таъминоти ва иссиқлик таъминоти корхоналарининг ўз маблағлари ҳисобига реконструкция қилиш минтақавий Дастурларини бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

Минтақавий дастурларни тузишда молиялаштиришнинг аниқ манбалари ва уларнинг амалга оширилиши учун масъул бажарувчилар белгилансин.

4. «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, «Ўздавнефтгазинспекция», «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда қабул қилинган минтақавий Дастурларнинг бажарилиши устидан доимий мониторинг олиб борсинлар.

5. «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, «Ўздавнефтгазинспекция», «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ушбу қарор билан тасдиқланган дастурларнинг бажарилиши тўғрисида йилнинг ҳар чорагида Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритсинлар.

6. «Ўздавнефтгазинспекция» «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда мониторинг натижаларини ҳисобга олган ҳолда республика минтақалари бўйича Республика бюджети ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган корхоналар ва ташкилотларнинг маънавий эскирган ва тежамсиз буғ қозони агрегатларини алмаштириш дастурини икки ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда мавжуд эскирган сув қувурлари ва иссиқлик тармоқларини реконструкция қилиш учун чет эл инвестицияларини жалб этиш масаласини ишлаб чиқсин.

Унинг натижалари тўғрисида 2005 йил ва 2006 йилнинг I ярим йиллиги якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.М. Ханов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 5 ноябрь,  
241-сон